


Таҳликали хато (биринчи мақола)



16:16 / 08 февраль 1717

Европанинг ренессанси – уйғониши ўн тўрт асрдан ортиқ давом этган ва черков томонидан мажбур қилинган қаттиқ уйқудан уйғониш бўлгани ҳаммага маълум. Халқларнинг ҳаётида рўй берадиган Европа ренессанси – уйғонишига ўхшаш катта ўзгаришлар бу борадаги ҳаракатнинг мафкурасига боғлиқ бўлади. Европа ренессанси – уйғониши черковга қарши бўлгани учун унинг мафкураси ҳам асосан черковга ва феодалликка қарши бўлганини ҳамма яхши билади. Шунингдек, европа уйғонишининг мафкураси юнон фалсафаси асосида бўлганини ҳам ҳамма яхши билади. Ушбу фикрнинг далили сифатида «Олимп» сайтидан олинган қуйидаги иқтибосни келтирамиз:

«Ренессанс ва гуманизм даврида европада юнон фалсафасининг қайта тирилиши юзага келди. Бу эса ўз навбатида уйғониш давридаги платончилик ва арасточилиқдан бошланиб европанинг барча фалсафий фикрининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди».

Европаликлар юнон фалсафасини асосан мусулмон файласуфларнинг арабчадан лотин тилига таржима қилинган асарлари орқали ўрганишгани ҳам маълум ва машҳур. Бунинг далилини аввалги мақолаларда кўриб ўтдик.

Шу ерга келганда бир нарсани – юнон фалсафасини ўрганиш жараёнида

мусулмонларда алоҳида, европаликларда алоҳида хулоса чиққанини кўрамиз.

Мусулмонлар юнон фалсафасини ўрганиб, дунёни ва унинг сиру асрорларини англаб етишда ақлга ва ваҳий - илоҳий таълимотга асосланамиз, деган хулосага келиб тўхтаганлар.

Европаликлар эса, дунёни ва унинг сиру асрорларини англаб етишда фақат ақлга суянамиз ва ваҳий - илоҳий таълимотни мутлақо инкор қиламиз деган хулосага келганлар.

Ўз - ўзидан юқорида айтилган бир фалсафани - юнон фалсафасини ўрганиш оқибатида икки хил натижа чиқишининг сабаби нима деган савол пайдо бўлади. Бу саволнинг жавобига, орадаги фарқнинг сабаби икки томон иймон келтирган ва таълимотларига амал қилган икки диндадир, деган жавобни берамиз. Ушбу жавобнинг таҳлилини алоҳида - алоҳида кўриб чиқамиз.

(Давоми бор)

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 30 ноябрь 03-07/9089-сонли хулосаси асосида тайёрланди.